

Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2021 йил 30 ноябрь
сешанба
№ 48 (1304)

www.hudud24.uz
insonvaqonun@adliya.uz
fb.com/hudud24official/
t.me/hudud24official/

hudud24
Endi 24 soat siz bilan!

- Энг сўнги хабарлар
- Ҳуқуқий маълумотлар
- Таҳлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар



КРЕДИТ МУАММОСИ
КАЧОН ИЗГА ТУШАДИ? 2-БЕТ

САВОДИМИЗ ШУ ҚАДАРКИ...
УЯТ ЭМАСМИКАН?... 4-БЕТ

КИМНИ ЖАВОБГАРЛИККА
ТОРТИШ КЕРАК? 5-БЕТ



“ИНСОН ВА ҚОНУН” ГАЗЕТАСИ — БИЗНИНГ МИНБАРИМИЗ!

АДЛИЯ ТИЗИМИ ЎЗ НАШРИНИ ҲАР ДОИМ Қўллаб-қувватлайди!

Газета ё китоб ўқимайдиган одам барибир ўқимас экан. Айниқса, ҳозирги замонда баҳона тайёр — интернет бор, қўлтеелефондан бўлса ҳам билиб оламан, дейдиганлар кўпайди. Аслида-ку, бундайлар интернет ёки ижтимоий тармоқлардан ҳам ўқиб ёлчитмайди.

Босма нашрга эътибор сусайса — саводсизлик урчиди. Қайси алифбода бўлмасин, бугун ижтимоий тармоқларни кузатсанг ёлғиз имло хатоларига дуч келасан. Туппа-тузук ишда ишлайдиган, олий маълумотли кишиларнинг ижтимоий тармоқлардаги чиқишларини кўрсангиз, ёқа ушлайсиз, бунчалар хато, дейсиз. Ҳатто шевада ҳам ёзиб кетаверадилар, адабий тил меъёрига умуман эътибор берилмаяпти. Бу — кўрсаводликнинг кенг ёйилиши демакдир.

Тан олинг, бугун ижтимоий тармоқларни кўпчилик “жанг-жадал”, шаллақилик, ўзгалардан ўч олиш саҳнасига айлантириб олишди.

Миллий қадрият, меҳр-оқибат, ўзлик, ўзбекона улғу ақидалар, ор-номус, шарм-ҳаё деган тушунчалар оёқ остида топтала бошланди. Шармсизлик ва ҳаёсизлик бош кўтариб, кўчага чиқиб кетди.

Интернетдан маърифат йўлида эмас, кўпроқ жаҳолат йўлида фойдалана бошладик.

Фарзандларимиз тарбияси қўлдан чиқиб кетиш хавфи пайдо бўлди. Чунки, биз интернетни мутлоқ бошқача қабул қилдик.

Майли, Сиз бу борада фақат маърифат, қулай имконият, илм, маданият, янгилик излаш, бир сўз билан айтганда, эзгулик йўлида фойдаланаётгандирсиз... Бироқ, атрофингиздагиларга қаранг, улар нима билан машғул, бугун она заминимиздан инсонийлик, одамгарчилик тафти кўтарилиб бораётганини сезасиз.

Тўғри, интернетнинг қулайлиги кўп. Қўлимиздаги телефоннинг ҳам афзалликлари олам-жаҳон. Лекин, яна айтамыз, биз улардан нима мақсадда фойдаланаямиз? Бу оғриқли масала!

Шундай экан, билим, савия, савод, тарғибот, эзгулик ва маърифат минбари бўлган босма нашрларнинг ўрни ҳар қачонгидан ҳам муҳим эканлиги билиниб қолаяпти.

“Инсон ва қонун” газетаси адлия тизими ходимлари ва ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаш учун интилувчиларнинг наشري.

“Инсон ва қонун” — адлия минбари! Ҳар бир адлия ходими эса энг аввало, ўз нашини қўллаб-қувватлаб, шу нашрга обунга бўлиш эвазига жамиятда чин маънодаги ҳуқуқий саводхонлик ёйилишига муносиб ҳисса қўшадилар.

Чунки, адлия тизимида ишлаётган ва ўзини ҳурмат қилган ҳар бир адлия ходими юртимизда ҳуқуқий саводхонлик минбарига айланган тизимнинг босма наشري — “Инсон ва қонун”га обунга бўлади, деб ўйлаймиз!

ТАҲРИРИЯТ



БУХОРО
**ШИФОКОР
ҲАҚҚИ
УНДИРИЛДИ**

ФУҚАРО А.Шарипов कोरोनाвирусга қарши курашиш бўйича Бухоро вилоят штабига ишга жалб қилинган. Аммо унга қўшимча рағбатлантириш тўловлари тўлаб берилмаган. Бундан норози бўлган эпидемиолог шифокор амалий ёрдам сўраб, Бухоро шаҳар адлия бўлимига мурожаат қилишга мажбур бўлган.

Аниқланишича, вилоят ОИТСга қарши курашиш марказида врач эпидемиолог лавозимида ишлаётган А.Шарипов вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг 2021 йил 8 апрелдаги кўрсатма хати билан вилоят штабига 2021 йил 3 апрель кунидан 2021 йил 16 август кунига қадар 135 кун мобайнида коронавирус инфекцияси кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича ташкил этилган вилоят штабига хизмат сафарига юборилган.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг 2021 йил 5 июлдаги буйруғи 1-иловаси билан штаб таркиби тасдиқланган бўлиб, унга кўра А.Шариповнинг стационар шариоитда даволанаётган беморлар ҳисоботини юритиши қайд қилинган. Аммо унинг ойлик лавозим маошига 6 фоиз миқдордаги тўлов амалга оширилмаган.

Ваҳоланки, Президентимизнинг 2020 йил 19 мартдаги "Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тarmoқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг 17-бандининг иккинчи хатбошисига мувофиқ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда тиббиёт, санитария-эпидемиологик ва бошқа ходимлар коронанавирус инфекцияси тарқалишига

қарши курашиш тадбирларига жалб қилинадиган даврда уларнинг ойлик лавозим маошига 6 фоиз миқдорда ҳар кунлик қўшимча тўловлар жорий қилиниши белгилаб берилган.

Марказ шифокори А.Шариповнинг ишлаган 135 кун учун берилган ойлик лавозим маошидан келиб чиқиб, 17 миллион 110 минг 383 сўм қўшимча тўлов ҳисоб-китоб қилинди. Вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази ва вилоят молия бошқармасидан А.Шарипов фойдасига 17 миллион 110 минг 383 сўмлик қўшимча тўловни ундириб беришни сўраб, фуқаролик ишлари бўйича Бухоро туманлараро судига даъво аризаси киритилди ва даъво қаноатлантирилди.

Абдурахимхўжа БАФАЕВ,
Бухоро шаҳар адлия бўлими бошлиғи



СИРДАРЁ
**50 НАФАР ХОДИМ
ЎҚИТИЛДИ, ТЎЛОВИ
ЭСА... СУДГАЧА БОРДИ**

"TECH SYSTEM STAR" нодавлат таълим муассасаси раҳбари У. Бобобеков Сирдарё йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонасидан норози бўлиб, Сирдарё туман адлия бўлимига мурожаат қилди.

Маълум бўлишича, Сирдарё йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонаси ва "Tech system star" нодавлат таълим муассасаси ўртасида 2021 йилнинг 21 январидан нодавлат таълим муассасаси унитар корхонанинг 50 нафар ходимини тасдиқланган дастур асосида ўқитиш бўйича шартнома имзоланган.

Шунингдек, шартнома тузилган вақтдан бошлаб, Сирдарё йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонаси зиммасига "Tech system star" нодавлат таълим муассасасининг ҳисоб рақамига шартномада кўрсатилган 15 миллион сўмини 100 фоиз ўтказиб бериш мажбурияти юкланган. Нодавлат таълим муассасаси томонидан шартнома шартлари бажарилиб, яъни унитар корхонанинг 50 нафар ходими 2021 йил 6 февраль кунидан 1 мартга қадар тасдиқланган дастур асосида меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўйича ўқитилган бўлса-да, унитар корхона томонидан шартнома шартлари бажарилмай, 11 миллион сўм маблағ тўлаб берилмаган.

Нодавлат таълим муассасасининг бир неча бор қарздорликни тўлаш юзасидан мурожаат қилишига қарамастан, Сирдарё йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонаси томонидан қарздорлик тўлаб берилмаган. Ўрганиш давомида аниқланган ушбу қонунбузилиш ҳолати юзасидан таълим муассасаси манфаатида Сирдарё туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси киритилди. Суднинг қарори билан таълим муассасаси фойдасига 11 миллион 100 минг сўм ундириш белгиланди.

Содиқжон ҲАМРОЕВ,
Сирдарё туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси

ТОШКЕНТ
КАМ таъминланган оилалар рўйхатида турувчи фуқаро Х.О. Олмазор туманидаги МТТда тарбияланаётган фарзанди М.М.нинг боғча пулини тўлай олмаслигини баён қилиб, уни боғча пулидан озод қилишда амалий ёрдам сўраб Олмазор туман адлия бўлимига мурожаат қилган. Мазкур мурожаатни ўрганиш мақсадида 423-сонли мактаб-гача таълим ташкилотидан мониторинг таҳлили ўтказилди.

**"Боғча пули"дан
ОЗОД ҚИЛИНДИ**

Ўрганиш давомида жорий йилнинг октябрь ойида 423-сонли МТТда 346 нафар тарбияланувчи мавжудлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлигининг "Мактабгача таълим муассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотида ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорига асосан умумий тарбияланувчилар миқдоридан 15 фоиз кам таъминланган оилаларнинг болаларига заҳира мавжудлиги, мазкур МТТда тўловдан озод этилган тартибда тарбияланаётган болалар 7 нафарни ташкил этиши аниқланди.

Мазкур мактабгача таълим ташкилотидан хали кам таъминланган оилаларнинг болаларига заҳира мавжудлигига асосланиб, туман адлия бўлимининг 2021 йил 12 ноябрдаги тақдимномасига асосан фуқаро Х.О.нинг фарзанди "боғча пули"дан озод қилинди.

Шамсиддин АМОНОВ,
Олмазор туман адлия бўлими бошлиғи

ХОРАЗМ
УРГАНЧЛИК фуқаро Ф.Рахманова тикув машиналари сотиб олиш мақсадида АТ "Халқ банки"нинг Қораул филиалига кредит олиш учун тегишли ҳужжатларни топширган. Бироқ унга кредит ажратилмаган. Бундан норози бўлган фуқаро Урганч туман адлия бўлимига мурожаат қилган. Ушбу мурожаат Марказий банк Хоразм вилояти бош бошқармаси мутахассислари иштирокида ўрганиб чиқилди.

**КРЕДИТ МУАММОСИ
ҚАЧОН ИЗГА ТУШАДИ?**

Аниқланишича, Ф.Рахманова "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида АТ "Халқ банки"нинг Қораул филиалига тикув машиналари олиш учун 36 ой муддатга 6 ой имтиёзли давр билан, 14 фоиз устама ҳақ тўлаш шартли асосида 10 миллион 400 минг сўм миқдорда кредит ажратилишини сўраб, мурожаат қилган.

Ушбу ариза ва тегишли ҳужжатлар банк филиали ходимлари томонидан ўрганиб чиқилиб, 2021 йил 9 сентябрь кунги Ф.Рахмановага кредит ажратилиш маъқулланган ва у билан филиал ўртасида шартнома имзоланган.

Шартномага кўра, Ф.Рахмановага банк томонидан шартнома кучга киргандан сўнг 5 банк иш кунли ичда кредит ажратилиши кўрсатилган бўлса-да, бироқ банк филиали томонидан кредит шартномаси кучга кирганига 2 ойга яқин муддат ўтган бўлишига қарамастан, асосиз равишда кредит маблағи ажра-

тилмаганлиги маълум бўлди.

Марказий банк Хоразм вилояти бош бошқармаси томонидан Ф.Рахмановага кредит маблағлари ажратилишини асосий ўз муддатида таъминламаган банк бошқарувчиси ва масъул ходимларининг қонунчиликда белгиланган тартибда интизомий жавобгарлик масаласини ҳал қилиш мақсадида АТ "Халқ банки" Хоразм вилояти филиали бошқарувчиси номига хат киритилди.

АТ "Халқ банки" филиали томонидан тақдим қилинган 2021 йил 1 ноябрдаги 1-сон мемориал ордерага асосан, банк кредит суммаси, яъни 10 миллион 400 минг сўм Ф.Рахманованинг ссуда ҳисоб рақамидан "Урганч мевасор сервис" хусусий корхонасининг ҳисоб рақамига тикув машиналари сотиб олиш учун ўтказиб берилди.

Сардор ЯВҚАЧЕВ,
Урганч туман адлия бўлими бошлиғи



НАМАНГАН
**ХОДИМЛАР
НИМАДАН НОРОЗИ?**

МИНГБУЛОҚ туман адлия бўлимига туман санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бўлимининг бир гуруҳ ходимларидан мурожаат келиб тушди. Унда муаллифлар 2019-2020 йиллар ва 2021 йилнинг март ойига қадар соғлиқ учун хавфли ва оғир меҳнат шароитларида ишлаган даврлари учун иш ҳақларига устама қўшиб берилмаётганлигидан норози бўлиб, амалий ёрдам сўрашган.

Мазкур мурожаатни ўрганиш жараёнида аён бўлдики, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги "Тиббиёт ходимлари меҳнатига

ҳақ тўлашининг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисида"ги Низомда меҳнатнинг соғлиқ учун хавфлилиги ва ўта оғир шароитлари учун тиббиёт ҳамда фармацевтика ходимларига қўшимча тўловлар тўлиниши белгиланган. Бироқ, Мингбулоқ туман санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бўлими томонидан мурожаат эгаларининг лавозим

маошига 15 фоиз миқдордаги қўшимча тўланмаган. Бундан ташқари, Мингбулоқ туман молия бўлими томонидан 2021 йил 23 июнь кунини берилган маълумотнома ҳам туман санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бўлимида соғлиқ учун хавфли ва меҳнат шароитлари оғир бўлган ишларда ишлаб келаётган ходимларга ҳукуматнинг юқоридаги қарори асосида тўланадиган маблағлар бўлим бош ҳисобчиси томонидан аниқ ҳисоб-китоб қилиниши ҳамда амалдаги тартиб асосида харажатлар сметасида назар-

да тутилган ҳолда тўловлар амалга оширилиши лозимлигини тасдиқлади. Туман адлия бўлими томонидан тилга олинган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан туман санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги марказига тақдимнома киритилди. Натжидада 16 нафар ходимнинг лавозим маошига 15 фоиз миқдордаги қўшимча — 35 миллион 534 минг 150 сўм маблағ тўлаб берилди.

Сарвар АБДУНАЗАРОВ,
Мингбулоқ туман адлия бўлими бошлиғи



“СОВЧИЛАР... БУ ЙЎЛЛАР БАХТГА ОЛИБ БОРМАЙДИ...”

ХАЛҚИМИЗДА фарзандлар вояга етгач, яхши хонадон эшигига яхши ният билан совчиликка боришдек бир гўзал удумлар, ўлмас қадриятлар бор. Қуда-андачиликнинг нозик ва сирли ришталари худди ана шу тариқа боғланиши аслида миллатимизнинг зийнатидир.

Афсуски, кейинги пайтларда шу қадар “замонавийлашиб” кетдики... ўзимиз ўзимизга совчи, ўзимиз ўзимизга элчи бўлиб олдик. Ихтиёримизни интернетга топшириб қўйдик. Интернет орқали танишиб, интернет орқали тўй қиладиган даражага етдик. Ҳеч кимдан сурамасдан оила куриб, ҳеч ким билан маслаҳатлашмай ажраладиган “мустақил” одамга айландик... Бу эса бошимизга не-не савдоларни, турли кўргуликларни солаётганлигини яшириб нима қилдик. “Интернет совчилар” ҳақида эшитгандирсиз?

Яқинда “Совчилар” деган телеграм мессенжер гуруҳига кўзим тушиб, тўғриси айтсам, энг қимматли нарсамизни, гуруримизни, минг йиллик қадриятимизни йўқотаётганимизни англагандек бўлдим. “Совчилар” гуруҳи шу қадар “оммалашган”ки, буни унинг 193 мингдан ортиқ аъзоси борлигидан ҳам билиш мумкин. Баъзи расмий ижтимоий тармоқлардан бир неча баробар кўпчилигини айтаман-да. Масалан, “Совчилар” — 193 минг 600 аъзоси бор, “Тошкент совчилари” — 92 мингдан ортиқ аъзога эга, “Наманган совчилар.уз” — 68 минг 188 та аъзога, “Наманган совчилар” — 46 минг 967 та аъзога эга, яна бир “Тошкент совчилари”нинг — 45 минг 169 та аъзоси бор, “Ёр-ёр совчилари” эса — 49 минг 335 та аъзога эга. Бундан ташқари, яна “Хоразм совчилари”, “Совчилар.уз” ва яна ҳоказолар, ҳуллас, ҳар бир худуднинг ўз “совчи”лари бор...

Энди бу мессенжер гуруҳларнинг “ичига кирайлик...”

Кўвликка ёки келинликка номзодлар учун махсус анкета тузилганига нима дейсиз? Унда номзоднинг ёши, миллати, оилавий аҳволи, фарзанди бор-йўқлиги, бўйи, оғирлиги, маълумоти, иш жойи, касби, хунари, тўйдан кейин қарерда яшashi, ота-онаси бор ёки йўқлиги, оилавий шароити,

оилада нечта фарзандлиги, келин ёки куёв учун ёш чегараси, номзодни ким кўрсатганлиги графалари ва яна аллақанча қўшимча маълумотлар учун изоҳлар ҳам бор.

Номзодлар ҳақидаги маълумотлар анкетасини ўқиб энсангиз қотиши аниқ. Саволдан тортиб жавобгача гиж-гиж хато. Кўвликка номзод 39 ёшли оилали, олий маълумотли, хунари кўп, аммо бирортаси аниқ кўрсатилмаган мана бу жанобнинг қўшимча эслатмасини тахирисиз эътиборингизга ҳавола қилмоқчимиз:

“Олдин эълонни яхшилаб ўқинг... Бекорчилар, жиддий нияти бўлмағи шунчаки вақт утказмоқчи булганлар хурматингизни билинг, тулик маълумот ва расм билан мурожаат қилинг. Келин Аллохни танийдиган булсин, 1-2 фарзанди бор бева аёл булса нур устига нур”.

Оилали бўла туриб, яна ўзига “овунчоқ” излаётган салкам қирқ ёшли йигит эмас, эракнинг замондошимиз эканлигидан афсусланасиз.

Ўзини бозорга солаётган йигитлар кимлар?

Биз йигитларни ҳамisha мардлик ва жасорат тимсоли, Ватан ҳимоячиси, ҳеч бўлмаганда оила суянчи, деб билганмиз. Шу фазилатлари учун уларга хурматимиз, ихлосимиз баланд. Энди-чи, бугун ўзини бозорга солиб, ҳар хил оила савдоларини уйлаб топаётган, орсиз, гурусиз, ҳамиятсиз йигитлар “замонамиз қаҳрамони”га айланди. Улар қачон ва қарердан пайдо бўлганини, инсон шаъни, оила шаъни шу қадар арзонлашиб кетганини наҳотки сезмай қолдик?

Энг ачинарлиси, ўзини бозорга солиб, келин излаётган кўвликка номзодларнинг кўпчилигини на бирор касби бор, на бирор хунари.

Яна бир кўвликка номзоднинг эслатмасини қаранг. Уни ҳам айнан тахирисиз кўчирдик: **“Илтимос муомлали ва чиройли айол кидирворман сохтала семила ва тиламчила йозмеле”.**

Эслатмаларда расм ва овозли хабар қолдириш орқали танишиш талабига алоҳида эътибор қаратилган.

Яқин-яқинларда ҳам куёв-

нинг ота-онаси ва ҳатто яқин қариндошлари келиннинг юзини кўрмаганлигини эслаб, бугунги бепардаликка нима деб баҳо беришни билмадик. Бошқа давлатда ёки шаҳарда ўқиб юрган чоғида ота-онасидан сўроқсиз, келин танлаган йигитлар агар энг ақлли, билимли, фаросатли, тарбияли қизин танлаган тақдирда ҳам, эҳҳе қанча маломатта қоларди. “Маҳаллада дув-дув гап” фильми эсингиздами? Азимжон Москвада ўқиб юрганида ўзи билан бирга ўқийдиган тошкентлик архитектор қиз Азизахонни танлагани учун онаси Меҳринисо ая “Мен энди маҳаллада қандай бош кўтариб юраман, бу энди маҳаллада дув-дув гап бўлади...” деб ўғлидан ранжиб, қанча кўз ёш тўккан эди...

Ҳамма бахтли бўлишга ҳақли...

Бахт ўзи нима? Бахтли бўлиш ҳашамлару бойликларда-ми? Ёки ўз майлига эрк бериб “Бу дунёга қайтиб келмайман, ўзим билганимча яшашим керак...” Одамларнинг гаплари менга бир пул” деган нотўғри йўл, калтабин ақидада-ми?

“Совчилар”да ўзини реклама қиладиган келинликка номзодлар ҳам анойи эмас. 20 ёшли қиз аллақачон турмушга чиқиб, ажралишга ҳам улгурган. Шароити зўрлиги, кўриниши 1000 фойз чиройли эканлиги ҳақида изоҳ қолдирган ҳали она сuti озгина кетмаган мана бу “ўзбекча” қизга ҳаётнинг маъносини нимада эканлигини тушунтиришга ҳожат борми? Унинг сўзларини ўқиб, ўзингиз баҳо бering: (Assalordanbekor bezutisla iltimos bekorand bekor bezuta qmela voxti or malumot i rasm tawela bomasa jovob berilmidi spam xamani baxtni bersn).

Яна бир келинликка номзод эса 3 нафар фарзанди билан бу арзон “бозорга” чиққан... Ота-боболаримиз муқаддас кўрғон деб қадрлаган бу бахт уйи, бу ор-номус, бу шавъ ва гурур ватани — ОИЛАНИ қачон бу қадар оёқости бўлишига йўл қўйдик?

Тўғри, ҳамма бахтли бўлишни истаёди. Ҳамманинг бахтли бўлишга ҳаққи бор. Аммо бу орсиз кўчалар, бу гурусиз йўллар бахтга олиб бормайди...

Маруза ХОСИЛОВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири

Қонунчиликдаги янгиликлар

1 ДЕКАБРДАН НИМАЛАР ЎЗГАРАДИ?

2021 ЙИЛНИНГ 1 ДЕКАБРИДАН БОШЛАБ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИГИДА ҚУЙИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР БЎЛАДИ:

- Давлат органлари ва ташкилотларининг йил якунлари бўйича Очиқлик индекси аниқланади;
- Қонунчилик палатаси ва Сенат мажлислари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши сессиялари, шунингдек тарафларнинг розилиги билан айрим ҳуқуқбузарликларга оид суд ишлари ҳамда оилавий низоларга оид фуқаролик суд ишлари телеканаллар ёки интернет орқали жонли эфирга узатилади;
- Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан йил якуни бўйича коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини баҳоловчи рейтинг эълон қилиб борилади;
- Метрополитенда жетонлар қабул қилиниши тўхтатилади;
- 2022 йил 1 ноябргача синов тариқасида, кўпикланадиган ва табиий вино маҳсулотлари акциз маркалари билан маркланмайди.

ШАРТНОМАВИЙ МУНОСАБАТЛАР СОҲАСИДА:

- Банкларга етказилган маҳсулот учун тўловларни учинчи шахслар ҳисобидан қабул қилишга қўйилган тақиқ бекор бўлади;
- Давлат улуши 50 фойз ва ундан юқори бўлган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг маҳсулотларни етказиб бериш тўғрисида тузиладиган шартномаларида тўловни олдиндан белгилашга доир талаб бекор қилинади;
- Қишлоқ ҳўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчилари ва тайёрлов ташкилотлари ўртасида тузиладиган шартномаларда мажбурий равишда авансни белгилашга доир талаб бекор бўлади.

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ СОҲАСИДА:

- Чет элда доимий яшовчи Ўзбекистон фуқаролари, шунингдек, хорижий жисмоний ва юридик шахслар ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга электрон рақамли имзо калити сертификатларини Ўзбекистон дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари томонидан бериш орқали электрон давлат хизматларидан фойдаланиш имкони яратилади;
- Ўзбекистонда доимий яшамайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами соддалаштирилган тартибда туман (шаҳар) миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлиналарида ҳамда давлат хизматлари марказларида амалга оширилади;
- Лицензия, рухсатнома, сертификат ва бошқа рухсат эшти хусусиятга эга ҳўжатларнинг дубликатини бериш учун миллий валютада белгиланган тўловлар БҲМнинг 10 фойзигача миқдорда белгиланади;
- Чет тилини билиш даражаси тўғрисида малака сертификатини дубликати берилганлиги учун БҲМнинг 10 фойзи миқдорда тўлов ундирилади (илгари БҲМнинг 50 фойзи миқдорда ундирилган).

КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДА:

- Ўзбекистонда “бир мижоз” тамойили жорий этилади;
- Коммунал тармоқлардаги барча рақамлар (газ, электр, ичимлик суви, иссиқ сув, канализация ва чиқиндилар) жисмоний шахсларнинг шахсий идентификация рақамлари ва юридик шахсларнинг солиқ тўловчиликнинг идентификация рақамлари билан боғланади.

“K-SAVDO” АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН АХБОРОТ ТИЗИМИДА РЎЙХАТДАН ЎТИШ СОҲАСИДА:

- Кўчма савдо фаолияти тадбиркорлар томонидан кўчма савдо объектларини электрон тарзда “K-Savdo” автоматлаштирилган ахборот тизимида рўйхатдан ўтказиш йўли билан амалга оширилади ва рўйхатдан ўтказиш учун йўғим ундирилмайди;
- Кўчма савдо жойи (хусусий мулкдорларга тегишли жойлардан ташқари) кўчма савдо объектларининг жойлашиш схемалари бўйича “K-Savdo” ААТ орқали электрон аукционда сотилади. Бунда, аукционнинг бошланғич нархи тегишли туман (шаҳар)даги ер участкасининг ер солиги миқдоридан белгиланади. Аукцион голиби ғувоҳнома олгандан сўнг, мазкур жойдан 36 ой муддатга фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Мақсуд МУСТАФОЕВ,
“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази масъул ходими

БОЛАЛИК... энг гўзал дамлар-а! Орамизда қайси биримиздир фақат ота-онамиз эмас, кўпни кўрган пиру бадавлатларимиз — бувимизни бобимизнинг тарбиясини олганмиз. Кўпчилигимизга шундай бахт насиб этган! Болалик йилларимдан ширин хотиралар қолган. Айниқса, хат-хабару, газета-журналлар билан уйимизга пенсия пулларини олиб келаётган амакинчи велосипеди бизнинг кўчага қайрилса, биз — болакайлар чув-чулашиб, қувонардик. Имзо деган нарса бор, уйимизнинг катталари нафақа пулини ола туриб, имзо ўришга исмини амал-тақал ёзишарди. Ушанда энди мактабга чиққан боламиз. Болалар нашрларини қўлимизга оламизу, қиш кунларида иссиқ печкани ёнига бориб, кўзларимиз чақнаб, уларни ўқишга киришамиз. Халқ эртақларини эшитиб катта бўлишимизга сабабчи бўлган нурунийларимиз қўлимиздаги болалар нашрларини тутилиб-тутилиб ўқишади. Болаларча ақл билан ўйлаймиз, улар мактабда яхши ўқимаган деб ўйлаймиз. Ваҳоланки... уларнинг болалиги сизу бизнинг болаликдек хотиржам кечмаган...

САВОДИМИЗ ШУ ҚАДАРКИ... УЯТ ЭМАСМИКАН?..



Сал эсимиз кириб, мактабга бориб, хат-саводимиз чиқиб қолгач, савол берадиган одаг чикардик.
— Нега исмингизни битта-битта харфлаб, кийналиб ёзасиз доим? Қаранг, ҳамма чиرويли ёзибди.
— Болам, бизни пайтда сен ўқитгандай чиرويли мактаблар бўлмаган. Оти ўчгур уруш йилларининг болалари бўлганмиз биз, болам. Қани сени ўрнингда бўлиб қолсам, оппоқ кийимларда мактабга борсам, сенга ўхшаб китобларни мазза қилиб ўқисам...

Беихтиёр катта ойимизнинг кўзларига ёш келади, йиллар синовини кўриб, ажин босган юзларини ювиб, кўёш нурида ялтиллади кайноқ кўз ёшлар. Бувимнинг нафақа пулини оларкан, қоғоздаги рўйхатда белгиланган жойга исмини ёзишга кўп гувоҳ бўлганман. Уруш кўрган катта отамиз ҳам нафақа пулини олишда исмини ёзиб қўярдилар. Уларнинг харфларини дона-дона қилиб овоз чиқариб ўқиб ёзишлари, очини, ўша маҳаллар мен — ёш болага галати туюлган. Назаримда, шу ёшга кирган одам ҳамма нарсани билиши керакдек туюлган-да, менга!

Қабрлари нурга тўлгур уруш кўрган боболаримиз, фронт орти захматлари елқисини эзган, болалиги хароб бўлган, имконсизликдан мактаб кўрмаган, лекин оғиздан-оғизга ўтган халқ оғзаки ижодини, “Алпомиш” у “Гурўғли”-ни Сизу мендан яхши биладиган пиру бадавлатларим савод масаласи келганда... нега кийриги намланганини биласизми?! Уларда бугун бизда бор кўп нарсалар бўлмаган! Улар на интернетни, на телевизорни, на телефонни билишган...

Назаримда, бугун биз ҳам улардаймиз? Нега, дейсизми? Орамизда қай биримиз бошимизни билади кўтариб ўзимизни саводимдан, дея оламиз?! Қай бир зиёли “Тиб конунлари”ни ёки Берунийнинг асарларини ўзи ёзилган ёзувда ўқийди бугун? Қай бир шоирни замон Навоийни ўз имлосида тугилмай ўқий олади? Қай биримиз (матншунослару ўз илмининг устаси бўлган санокли илмилар мени кечиринсин!) муқаддас китобимизни араб имлосида тугилмай ўқий оламиз?! Эй, биродари азиз, саводимиз шу қадар, уят эмасми?!
Шу ерга келганда бугунги имлодаги ўзгаришлар ҳақида икки оғиз



шахсий фикр! Бу гапларни менга бир кутубхоначи аёл алам билан айтиб берапти:

“Синглим, биламан, кўп китоб ўқийсиз. Мен билан Сизга ўхшаганлар учунми шу китоб?! Билмайсиз-да, кутубхонадан шу қадар мени бездирди бу ёзув дегани! Ёзув бир алмашганда қанча китобларни... айтишга тилим бормаиди хатто... қанча китоблар-а, уларни мен ўз боламдек яхши кўриб, авайлаб, чанг юктирмасдим. У китобларни биз нима қилдик?! Бугун сиз излаб келган китоб ҳам улар орасида қолиши мумкин эди... Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, мен ўттири одамдек ҳамма китобларни уйимга олиб кета оламизми-ку, ўша пайтда. Синглим, яна ёзув ўзгаришти-а, биласизми, бизни нималар қута-япти? Мени тушундингиз-а?! Мени томоғимдан овқат ўтмай қолган ўша кунлар, ёшпакига китобларни ажратиш... ҳисобдан чиқариш... кутубхонамиз катта эди биласиз... қанча яхши китобларимиздан айрилдик ўшанда, яна шундай бўладими?..”

Бир умр китоб билан бирга нафас олган, касбининг фидойиси бўлган бу аёлнинг кўзларига шу аснода қарашини-да ўзимга эп кўрмайман. Худди ҳаммасига ўзим айбдордек бир алфозда кутубхоначи опа мен кидирган китобни олиб келаётган вақтни аниқлаштириман-да, шалвираб кўчага чиқаман...

Кўл телефонимга тинимсиз хабарлар келади. Уларнинг қайси бирига кўз ташламай, бир хил-

лик... Бу турфа оламда бир хиллик... Ҳайрон бўлманг, шунча янгилик, шунча хабару ахборот бор, бир қаранг, дерсиз? Мени у хабарлар кийиктирмай қўйган... Мен улардаги шов-шувга ўч эмасман. Мени бир нарсга ўйлантиради. Боя кутубхоначи опанинг тилида қотиб қолган битта сўз мени ҳам тинч қўймайди. Кўрсаводлигимиз ўйлантиради мени, биласизми, саводсизлигимиз шу даражага етдикли...

“рахмат опаёнов бз ҳам оллохун сзи яхши кураимиз”

Мен гапларим тушунарли бўлиши учун матнни айнан келтиряпман. Оғир хўрсинаман... биласизми, нега? Бугун биз имкониятлар тўла маконда яшаймиз? Баҳоамиз хар қанча бўлмасин, саводсизлигимиздан уялсак арзийди. Сабаби, биз ўқиб, ўрганганимиз учун барча шарт-шароитлар муҳай! Ер шарининг айрим минтақаларини ҳисобга олганда, деярли бугун инсоният бугун тараққиёт ботқоғига фарқ бўлаёди! Бу тараққиёт дегани сизу мендан сўраб, ҳисоблашиб ўтирмас экан! Индамай уйимизгача бостириб келгани етмагандек, қалбларимизга, онгимизгача бостириб кирди у! Китобсизлик, илмсизлик, енгил-елпи орзу-хаваслар бизни не қўйларга солмаяпти?! Дунё матоҳларига интилиб, қулайликлардан шу қадар берилиб фойдаланаяпмики, эвазига тараққиётнинг ўргимчак тўрига тушиб қолиб, жон халакмиз! Одамлар орасида, айниқса, ақин қариндошлару дўстлар ўртасида ҳам оқибат, инсофу диёнат, ор-номус кўтарилигани, ўрнини ҳиссиз, рангсиз кунлар эгаллаб бораётгани бизни ташвишга солмай қўйди. Ота билан бола мерос талашса, орсиз оила бошиқлари норасида гўдақларини ташлаб, ўзга манзиллардан шайтоний халоват изласа, нафс талаби иймон талабидан устун келса, ор-номус йиғласа, оқпадарнинг сўзи устун келса, инсофу диёнат оёк ости бўлса... Одам одамни сотса, одам одамни сўйса, ўлдирса, номусини топтаса... саводсизлик деган нарса бу майдалашган жамиятда янада майда заррача бўлиб қолмасмикан?.. Менимча, шундай бўлаяпти! Биз безътибор ва лоқайд бўлиб қолдик!

“Қароче давай йертага чойхона...”, “Бизан мамгайам шундо тўрт қиберолисим расмини қойиб, қоллариз дард кўрмасан”, “Дила герриу brhdey ман санга дунйодази енг гозал бахтми тилэйдим”, “Ойимгла блан чорса кэтовоммиз”, “кизла бола пулга канака сме кэвотми слаза тэворила хон”, “Полбинга боришлик сунох хаттоки уйни курсатворсам! Полбинга бордигонлаза эконатамиз достла!”, “Меҳнат бир-эсасига мурожат қилйиши Россияга бормокчила срочно 1 кун срок!!!”

Бугун шу оҳангда гаплашаётган, шунга ўхшаш ёзувларни ёзиб, суҳбатлашаётган юрдошларимизга савод масаласида гапирсак, эриш туюлади. Имло қоидалари фақат расмий матнларга ёки китобларга, матбуот нашрларига, ўқув жараёнларига хос бўлиб қолмаяптими? Мени шу савол ўйлантиради. Имло қоидаларига ўзгаришти киришти олдида тор доирада қолиб кетаётган имломизни асраш ҳақида ўйласак ўринли бўлар, балки. Замондошларимиз орасида сўзлашув услубидан ёзилаётган матнларга кўчаётган, тобора руслашиб, ажнабийлашиб, саводсизлашиб бораётган имломизда айрим белгиларни ўзгаришти нимага эришамиз экан, ҳайронман! Бу менинг шахсий фикрим, албатта.

Иш фаолиятимиз матнлар билан боғлиқлиги учунми, уларни таҳрир қилиш жараёнида кунда минг бора “қокиламиз”, дилимиз ранжийди, ўзбек эканимиздан, айниқса, билимсизлигимиздан, хар қанча оғир эшитилмасин, айтмасак бўлмайди, кўрсаводлигимиздан уялмас. Шундай пайтда рус ёзувчиси А.Чеховнинг бир гапи эсимга келади: “Инсонда ҳамма нарсаси юзи ҳам, кийими ҳам, қалби ҳам, фикри ҳам гўзал бўлиши лозим”. Бугунги талотўп замон кишиларига қарата айтилгандек туюлади бу гап менга. Ён-атрофимиздаги дарду ташвиши ҳаминқадар, тобора майдалашиб бораётган одамлар ҳақида ўйласам... юрагимнинг аллақасери

тинимсиз оғрийди. Қачон биз бу қадар саводсиз бўлиб қолдик?! Кеча ёки бугунми, хозирми?!

Кўча-қўйдаги шпорлару ёзувларни, корхона, ташкилотлару ўқув муассасаларидаги пешлавларини, айниқса, жамоат транспорти, умумий овқатланиш муассасалари, одамлар кўп борадиган жойлардаги ёзувларни ўқишга юрагим безиллаб қолган. Нега, дейсизми? Имло хатолари тўла матнлар жуда кўп улар орасида. Айримларнинг харфлари тушиб қолганидан, хатолик билан ёзилганидан, икки марта ўқиб аранг тушунасиз! Яна катта-катта харфларда ёзилганини-чи?! Буларга ҳам кўникдик аллақачон.

Учинчи фарзандини қутаётган бир дугонам менга кўнғирок қиладди. Ўғли билан қизини қўшимча дарсга олиб борибди. Мактабларимиздаги дарслар бўла туриб нега қўшимча дарс учун пул ажратаётганини тушунтирган бўлади менга. Бу мавзуда гапирганда мен на мактабни, на китоб фонида макташимизга арзимайдиган ғарибдан-ғариб мактаб кутубхоналарини, на мактабга дарс олгани эмас, ҳаёлида минг бир ўй билан келаётган, “мобил манкурт”га айланган бугунинг болаларини, шу хардамхаёл ёшларга қандай тарбия, қандай таълим беришни билмай, хуноби ошвир юрган, иш қоғозларига кўмилиб, янаги дарс учун алоҳида тайёргарлик кўришга вақт тополмаётган муаллимларимизни айбламан. Айб қилмади ўзи? Қай биримиз шу ўринда ўзимизни оқлаймиз, қайси вийдон билан!?

Боласининг билимли бўлиши, келажак, айниқса, эрта бир кун олий маълумотли бўлишини истаб бутундан шунга интилаётгани, ойига фалон пул тўлаб, хорижий тилларни ўрганишда, спорт тўғралакларига рўзгоридан ортириб пул сарфлаётган ота-оналар ҳам кўп. Суперконтрактада ўқиётган талабаларни ҳам қораламоқчи эмасмиз. Лекин савод масаласида гапирганда замондошларимиз олий маълумотли, икки талаб дипломи бўла туриб ҳам, оддий сўзларни тўғри ёзишда кийналиб қолаётгани ҳақида гапирмасак, инсофдан бўлмас!

Халқ сўзини юмшоқ “х” билан “халк” деб ёзган олий маълумотли зиёли билан савод масаласида гаплаша оласизми? Гаплашангиз бўлади, лекин бундан нима манфаат агар у хатосини тушунмаса, тан олмаса ёки бунга эътибор бермас! Хато ёшдан уялмаса, заррача вийдонни қийналмас!?

Савод масаласи шу қадар нозик масалаки, у сизу бизнинг фақат бугунимизни эмас, келажакимизни ҳам белгилаб беради, дўстим!

Кеча бир зиёли дўстимиз ёзибди. “Бугунги авлод китоб ўқишга ҳам тупуриб қўйган...” деб. Нақадар оғир касалмиз. Кўча тўла дорихона, бизнинг дардимизни даволловчи бирор дори-дармон бормикан илмдан бошқа?! Шу кетинда кўрсаводлигимизча каттиқ йиқилсак, бизни қайси табиб даволайди, азизлар?!?

Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА,
“Инсон ва қону” муҳбири



“Меҳмондўст” кувёв...

Янги саҳнада: қайнона ва кувёв можароси

Энди эса замон ўзгарди. Энди ҳаётнинг янги саҳна кўринишлари — қайнона-кувёвлар можаросини “томоша” қиляпмиз.

Тўғри, бундай можаролар авваллари ҳам бор эди. Масалан, бундан бир неча йил аввал фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилоят судида оила ажрими иши кўрилатган кунда содир бўлган қотилликни ҳар эслаганда, одамнинг юрагини ваҳима босади.

Ушанда суд мажлисига ниқоҳни бекор қилиш мақсадида чақирилган ички ишлар ходими — милиционер йигитнинг хизмат қуролини топширмасдан келгани, суд мажлиси ва танафус чоғида қайнонанинг унга

айтган ҳақоратли ва эркаклик нафсониятига тегадиган гапларидан ғазабланиб, қайнонаси ва аёлини хизмат тўппончаси билан отиб қўйгани ва оқибатда иккиси ҳам оламдан кўз юмгани ҳақиқий фожиа. Отанинг узоқ муддатга темир панжара ортига кетгани, икки бегуноҳ боланинг етим қолгани ҳақиқати ва воқеа ҳақиқати ҳам жуда аянчли эди.

Оилавий қадриятлар қаерда қолди?

Бугунги кунда ҳам ғазаб ва жаҳлга қул бўлган, шафқатсизликни касб қилиб олган айрим эркакларнинг ўйламай қилган зўравонликлари турли кўнгилсизликларни келтириб чиқармоқда. “Навоийазот” акциядорлик жамиятида цех бошлиғи

АВВАЛЛАРИ қайнона-келин муаммоси трендда эди. Эҳ-ҳе, улар ўртасидаги можароларнинг минг хил саҳнаси бор. Бузилган оилалар, жонидан тўйган келинлар, етим қолган болаларнинг уволидан қўрқмайдиган қайноналар кўпайиб, аллақачон “замонамиз қаҳрамони”га айланиб улгурган.

бўлиб ишлайдиган Р.Камолов (исм-шарифи ўзгартирилган) оилали, 4 нафар фарзанднинг отаси бўла туриб, ёши қирқдан ошиб ҳам қуйилмагани, эркак зотиға ярашмайдиган бу қилмиши оилавий қадриятларимизга умуман зиддир.

Ҳаммаси оддий кўполликдан, сабабсиз танбеҳ ва тортишувдан бошланди. Тўғрироғи, ҳаммасига оқ ароқнинг қора қилмиши сабабчи.

Август оқшомларидан бирида ишдан қайтаётган Р.Камолов ўзлари яшайдиган “дом” олдидан турмуш ўртоғи М.Жумаеванинг фарзандлари ва меҳмонга келган қайнонаси билан ўтирганлигини кўриб, “кеч бўлганда ташқарида нима бор?” деган савол билан жазаваси тутди. Жаҳл

устида хотинини ҳақорат қилиб, уйга киргач, баттар қушқондан чиқади. Болаларини ҳам қаттиқ ранжитади. Спиртли ичимлик истеъмол қилганлиги учун ўзини бошқара олмай, турмуш ўртоғи билан тортишиб, уни жаҳл устида ураётганини кўриб, қайнонаси Г.Солиева “қизимни нега урасан, набираларимга нима учун сабабсиз зўғум қиляяпсан, ўзинг шу вақтгача қаерда юрибсан, нега ичиб олиб жанжал кўтараяпсан?” деб сўраганида, у қайнонасига “бизнинг оилавий ишларимизга аралашманг”, деб қайнонасининг меҳмонлик иззатини ҳам билмай, уни ҳақорат қилиб, аёлини эса баттар эза бошлайди. Бунга чидаб тура олмаган қайнона уларни ажратмоқчи бўлганида, муштумзўр кувёв ошхонадан ўқловни олиб, қайнонасининг бошига уриб, унга тан жароҳати етказди. Қайнона боши ёрилиб, ҳушини йўқотади ва “Тез ёрдам” машинасида вилоят шoshiлинич тиббий ёрдам марказига ётқизилади. Қасддан шикаст етказгани учун қайнона “меҳмондўст” кувёвни судга беради.

“Бошинга не бало келса...”

Доноларимиз жуда тўғри айтишган: “Бошинга не бало келса бировданмас, ўзингдан кўр...”. Рустам ҳам ўз қилмишидан қилган хатосидан пушаймон. Аммо энди сўнги пушаймондан фойда йўқ. Қайнонадан узр сўраши ҳам, бундай ҳол бошқа такрорланмаслигини билдириб, минг тавалло қилганию, қайнона уни кечирмаганлиги ҳам, қарамоғида тўрт

нафар фарзанди борлиги ҳам, ҳамма-ҳаммаси унга сабоқ бўлса-ку яхши... Аммо ўрганган одапти яна панд бериб, ичкиликнинг касрига қоллишда давом этса, ўзини бошқара олмасан ундан ёмони йўқ. Чунки ўзини бошқара олмайдиган одам оилани қандай бошқариши мумкин?

Ота-боболаримиз “Бир кун жанжал чиққан жойдан қирқ кун хайру барака кетади”, деб бежизга айтишмаган. Суднинг қора курсисига ўтирган одам албатта жазосини олади. Суд Р.Камоловнинг айбига иқролригини ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонда эканини Жиноят кодексининг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолат, деб ҳисоблайди, жиноятни маст ҳолатда содир этганлигини эса Жиноят кодексининг 56-моддасига кўра оғирлаштирувчи ҳолат, деб инобатга олишни лозим топади.

Суд ҳукмига кўра, Р.Камолов айбдор, деб топилди ва унга иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди. У ўз қилмиши ўз оёғига тушов, ўз ҳамёнига зарар бўлганини, фарзандлари насибасига жабр қилганидан тўғри хулоса чиқарармикан?

Дилобар ПАРДАЕВА,
жиноят ишлари бўйича
Навоий шаҳар суди судьяси,
Маруса ҲОСИЛОВА,
“Инсон ва қонун” мухбири

ҚИБРАЙ туманида яшовчи Қ.Ғаниев (исм-шарифлари ўзгартирилган) салкам 40 ёшда. Олий маълумотли, 3 нафар фарзанднинг отаси бўлган бу ўртоғимиз ўзига яраша обрў-эътибор соҳиби эди. Чунки у мамлакатимизнинг нуфузли молия муассасаларидан бири — ташқи иқтисодий фаолият “Миллий банк”нинг бош офисида масъул лавозимда ишларди.

БАНКИРДАН ЧИҚҚАН ФИРИБГАР



Аммо Қ.Ғаниев вақт ўтиши билан нафс домига илиниб, бир йўла 3 та жиноятга қўл урди.

Албатта, жиноятга жазо муқаррар. Бинобарин, жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 2020 йил 16 декабрдаги ҳукмига биноан, айбдор деб топилди, Жиноят кодексининг 59 ва 61-моддалари тартибидан 2 йил 6 ой муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган маҳали Қ.Ғаниевнинг 2018 йилда содир этган яна бир фирибгарлиги фоти этди. Яъни, у тадбиркор Д.Имомалиевни чув туширган бўлади. Тергов ва суд жараёнида

аён бўлишича, ўша йили Даврон Қиёмиддин билан ўзининг тадбиркорлик фаолиятига боғлиқ масалада танишиб қолади. Шу боис кейинчалик автокредит олиш юзасидан унга мурожаат қилади.

— Аввалроқ ҳам автокредит олиш учун ҳаракат қилгандим. Лекин ҳозирги ишимда 6 ойдан буён ишлаётганим сабабли иш ҳақим кредит олишимга етмади, — дея тушунтиради Д.Имомалиев. — Агар илжойи бўлса ёрдам берсангиз.

— Йиллик иш ҳақи керак бўлмайди. Узим сизга автокредит олиб бераман. Фақатгина ариза, фуқаролик паспортингиз нусхаси ва бошланғич тўлов керак бўлади, — дейди банк масъули оғиз кўпиртириб.

Шундан кейин Даврон ижтимоий тармоқдаги “Telegram” иловаси орқали

ариза ёзиб юборади. Уни қабул қилиб олгач эса Қиёмиддин олинадиган автокредит суммасининг 30 фоизига тенг бўлган миқдордаги дастлабки тўлови учун 2 минг 400 АҚШ доллари бериши лозимлигини айтади. Мижоз бошқа зарур ҳужжатлар билан бирга банк ходими айтган пулни санаб беради. Шунда Қ.Ғаниев бир ой ичида масала ижобий ҳал бўлишини айтиб, уни кўюк ваъдалар билан кўмиб ташлайди. Бироқ...

Бироқ Қ.Ғаниев берган ваъдасига вафо қилмайди. Аксинча, турли баҳоналарни рўқач қилиб, вақтни чўзиб юраверади.

Охир-оқибат сабр косаси тўлган Д.Имомалиев унинг хатти-ҳаракатлари юзасидан Юнусобод туман ички ишлар бўлимига ариза билан мурожаат қилади.

Албатта, шундан кейин фирибгар банкирга нисбатан жиноят иши кўзгатилади. Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улугбек туман суди эса уни Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан айбдор деб топиб, муқаддам суд ҳукми билан тайинланган жазо ҳам инобатга олинган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш жазосига маҳкум этди. Шунингдек, судланувчига 3 йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси ҳам тайинланди.

Санжар АБДУҒАНИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Мирзо
Улугбек туман суди судьяси,
Хуршид СУЛТОНОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири



КИМНИ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИШ КЕРАК?

Душанба. Дам олиш кунларидан кейинги Тошкент.

Чилонзор тумани Муқимий кўчасидаги ҳолат. Сиз суратда кўриб турган манзара “Новза” метроси яқинида жойлашган.

Нимагадир Муқимий кўчасида чиқинди ташлаш қутилари катта кўчанинг юзига ўрнатилган. Бу чиқинди ташини хизмати машиналари учун қулайдир, аммо бу ҳудудда яшамайдиган одамлар учун ноқулайлик туғдирмоқда. Расмдагидек ҳолатга биз — йўловчилар ҳар кун гувоҳ бўлаяпмиз. Ҳар кун бу ердан қанчадан-қанча юртдошларимиз, туристлар, хорижий меҳмонлар ҳам ўтади.

Дунёда чиқинди билан муомала маданияти шаклланган давлатлар бор. Ўша давлатлар қонунчилигига кўра, чиқиндини бундай ташлаш у ёқда турсин, оз миқдорда чиқинди ташлаганлик учун ҳам катта жарима белгиланган. Бизда эса... Ўзимиз-ку, бу борада маданиятсизмиз, аммо ўсиб келаётган фарзандларимизга ҳам шундай тарбия бераётганимиз ачинарли! Ёши улугларимиз кўпчилигини мизга кўчанинг ҳақи бўлади, деб ўргатган болаликдан. Қолаверса, муқаддас динимизда йўл одоби,

муошарат одоби ҳақида яхши тарбия берилади.

Шундай хунук манзарани пайдо қилиб, уялмаган одамлар чиқинди қутилари уйига яқин жойлашса, бундай иш қилармиди? Йўқ, албатта! Агар деразасини очганида чиқинди уюмидан таралаётган бадбўй хид уйигача кириб борса, бундай бетартиблик қилмасди, албатта.

Ободонлаштириш ва чиқинди ташини бўйича масъуллар пойтахтимиз юзига доғ бўлиб тушаётган бундай йўл-йўлакай чиқиндиҳоналарни тартибга келтиришлари шарт! Акс ҳолда, аҳолини эмас, уларнинг ўзини маъмурий жавобгарликка тортиш зарур!

Хулоса ўрнида қонунчилигимизга бир таклиф — юртимиз, пойтахтимиз озодлигига эришиш учун Ўзбекистон қонунчилигига ҳам юқорида айтиб ўтганимиз ривожланган давлатлардагидек катта жарима миқдорини киритиш вақти келди! Сабаби, бунга ўхшаш ҳолатлар фақатгина пойтахтимизда эмас, бошқа ҳудудларда ҳам кузатишмоқда.

Гулбаҳор ОРТИҚҲУҶАЕВА,
“Инсон ва қонун” мухбири

МАМЛАКАТИМИЗ мустақилликка эришганидан сўнг энг катта ютуқларидан бири Ўзбекистон Республикасининг Бош Қонуни, яъни Конституциямизнинг қабул қилингани бўлди. Унда давлат тузилиши, сиёсий бошқаруви, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қамраб олган бўлиб, ўз навбатида, унда берилган нормалар бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланди. Бугунги кунда қонунларимиз замон талабларидан келиб чиққан ҳолда илғор хориж амалиётини қўллаган ҳолда ҳуқуқ тизимимизга мослаштириб борилмоқда.

КОНСТИТУЦИЯ – МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ПОЙДЕВОРИ



Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг деярли барчасида Конституцияда белгиланган нормаларни амалга татбиқ этиш ва белгиланган ҳар бир конституциявий нормаларни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш мақсади кўзланган.

Зотан, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари кўрсатилган бўлиб, Конституция юри-

дик кучи нуқтаи назардан бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан устунлиги, бошқа қонун ҳуқуқий ҳужжатлари Конституцияга мувофиқ бўлиши лозимлигини аниқлатади.

Хусусан, Конституциянинг 15-моддасида "бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституцияга қўйилган ва қондаларига зид келиши мумкин эмас", деб белгиланган бўлиб, мазкур норма орқали ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжат

Конституцияда белгиланган нормаларга асосланиши ва унга зид бўлмаглигини аниқлатади.

"Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасида "Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва унинг қонунлари устундир", деб белгиланган.

Миллий қонунчилигимизнинг шаклланишида Конституциянинг ўрни муҳим аҳамият касб

этади. Конституция — давлатнинг Асосий қонуни ҳисобланиб, унда белгиланган нормалар давлат тузилишини, ҳокимият ва бошқарув органлари тизимини, уларнинг ваколати ҳамда шакллантирилиш тартиби, сайлов тизими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва шахснинг ўзаро муносабатлари, шунингдек, суд тизимини ҳамда давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларини белгилаб беради.

Тўғри, Конституция нормалари орқали барча ижтимоий муносабатлар тўлиғича қамраб олинмаган бўлса-да, бироқ тартибга солинадиган муносабатларни асосий ғояларини, принципларини қамраб олади. Бундай фундаментал нормаларни амалга ошириш механизмлари бошқа қонун ҳужжатлари орқали тартибга солинади.

Масалан, Конституциянинг 24-моддасида "яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир", деб белгиланган. Мазкур норма Жиноят ва Жиноят процессуал кодекслари орқали мустаҳкамлаб қўйилган. Яъни, Жиноят кодексига инсон ҳаётига суиқасд қилиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлса, бундай жиноятни содир этган шахсни айбдорлигини исботлаш ва жазо қўллаш тартиби Жиноят процессуал кодекси орқали мустаҳкамлаб қўйилган. Бундан кўрнанадими, шахснинг яшаш ҳуқуқи кафолатлари асосий

қонун орқали мустаҳкамланган бўлиб, уни амалга ошириш ва ҳимоя қилиш механизмлари бошқа қонун ҳужжатлари орқали тартибга солинган.

Яна бир мисол, Конституциянинг 32-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва тақомиллаштириш йўли билан амалга оширилади", деб белгиланган бўлиб, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатлари мустаҳкамланган. Бундай ҳуқуқларни амалга ошириш тартиби Сайлов кодекси орқали мустаҳкамланган.

Юқоридагиларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, Конституция мамлакатимиз миллий ҳуқуқ тизимини шакллантириш асоси ҳисобланади ва ижтимоий ва давлат қурилишининг барча жабҳаларидаги муносабатларни, миллий қонунчилигимизнинг барча соҳаларини тартибга солуви аниқ ҳуқуқий тизимни шакллантириш асосидир.

Фирдавс ШАМСИЕВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

ҲАКАМЛИК СУДИ: НИЗОНИ ҲАЛ ЭТИШНИНГ МАҚБУЛ ЙЎЛИ



СУД ТИЗИМИДА ИСЛОХОТ

Бугунги кунда Ҳакамлик судлари фаолияти ривожланган давлатларда қандай, деган савол туғилиши табиий. Хорижда фуқаро ва ҳўжалик субъектлари ўртасидаги қарздорлик низоларининг 80-85 фоизи айнан ҳакамлик судларида кўрилиб, ҳал этилмоқда.

"Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Қонундан кўзланган асосий мақсад республикаимизда ҳакамлик судларини ташкил этиш ва фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Айни пайтда Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциациянинг Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида филиаллари, вилоятларда эса, 100 дан ортиқ туман (шаҳар) Ҳакамлик судлари самарали фаолият юритиб келмоқда.

Мамлакатимизда суд ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада тўлиқроқ ҳамда самарали таъминлаш имконини бермоқда.

АРБИТРАЖ НИМА?

Арбитраж низоларни махсус нодавлат судларида ҳал этиш усули ҳисобланиб, кун сайин оммалашиб бормоқда. Мазкур институт Европада Арбитраж суди, Россияда Третейский суд, Ўзбекистонда эса, Ҳакамлик суди деб аталади. У ихтиёрий судлов усули бўлиб, тарафлар ўртасида келиб чиққан низоларни ҳакамлик тартибда кўриб чиқади.

Ҳакамлик судлари томонидан низоларни ҳал этиш асрлар давомида шаклланган тажрибаларга таянади. Ҳакамлик

судларининг ихтиёрийлик, тарафларнинг тенг ҳуқуқлиги, ҳакамлик судьяларнинг ҳолислиги, одиллиги тамойилларига оғишмай амал қилиши, ўзаро ҳамкорликни сақлаб қолишга эришиш, махфийлик каби принципларга асослангани сабабли унга мурожаат этувчилар сони кун сайин ортиб бормоқда. Ҳакамлик судлари низоларни иқтисодий ва фуқаролик ишлари бўйича судлардан кўра тезроқ кўриб чиқади. Унда фақат битта босқич назарда тутилган бўлиб, бошқа судлар каби апелляция, кассация, назорат инстанциялари мавжуд эмас.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори якуний ҳисобланади ва қарор қабул қилинган кундан қонуний кучга киради. Иқтисодий судлар ва фуқаролик ишлари бўйича судлар ҳакамлик суди аниқлаган ҳолатларни текширишга ёки ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мазмунан қайта кўриб чиқишга ҳақли эмас. Бундай нодавлат судларга тўланадиган ҳакамлик йиғими давлат божига нисбатан 50 фоизга камлиги ҳам мурожаат этувчилар учун қулайлик яратади.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори қонун асосида мажбурий ижро билан таъминланган. Фақат тарафлардан бири ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилишни сўраб, иқтисодий суд ёки фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат этиши мумкин. Бироқ бундай ҳолларда ҳам ваколатли судларнинг ҳакамлик суди аниқлаган ҳолатларни текшириши ёки ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мазмунан қайта кўриб чиқишга йўл қўйилмайди. Агарда ҳа-

камлик суди процессуал камчиликларга йўл қўйган, хусусан, тарафларнинг бири судга чақирилмаган, ваколатли бўлмаган масала бўйича қарор чиқарган бўлса, унинг қарорлари бекор қилиниши мумкин. Шуни эътиборга олиш лозимки, ҳакамлик судлари ижтимоий, маъмурий ишларни, оила, меҳнат ҳуқуқи муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни кўриб чиқмайди. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳакамлик битимининг тарафи бўла олмайди.

НОДАВЛАТ СУДНИНГ АФЗАЛЛИГИ НИМАДА?

Ҳакамлик суди фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни, тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи иқтисодий низоларни ҳал этувчи нодавлат орган ҳисобланади. Ҳакамлик суди низоларни Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилади.

Ҳакамлик судининг иқтисодий судлар ва фуқаролик ишлари бўйича судлардан фарқи жиҳатлари қуйидаги бир қатор жиҳатларда ўз аксини топади. Иқтисодий судларда фақат юридик шахсларга оид иқтисодий низолар кўрилади, фуқаролик судларида фақат фуқароларга оид низолар кўрилади. Ҳакамлик суди томонидан нафақат иқтисодий ишлар, балки фуқаролик ишлари ҳам кўриб чиқиб, ҳал этилади.

Ҳакамлик судида ишлар тезкорлик билан ҳал этилади. Асосий мақсад тарафларнинг келишувига йўналтирилади ҳамда тарафлар ўртасидаги ҳамкорлик

сақлаб қолинади. Ҳакамлик муҳокамасининг махфийлиги қонун билан кафолатланади. Томонлар жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортилмайди. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бошлаб кучга киради. Иқтисодий судлар ва фуқаролик ишлари бўйича судлар ҳакамлик суди томонидан аниқланган ҳолатларни текширишга ёки ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мазмунан қайта кўриб чиқишга ҳақли эмас. Ҳакамлик судлари йиғими миқдори иқтисодий суд ёки фуқаролик ишлари бўйича судда кўриб чиқилганда тўланиши лозим бўлган давлат божининг ярмидан ошмайди. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ихтиёрий равишда бажарилмаган тақдирда, уни тегишли тартибда мажбурий ижрога қаратиш Қонун билан кафолатланган.

Ҳакамлик судларининг афзаллиги шундаки, унда халқимизнинг минг йиллар давомида шаклланган урф-одат ва анъаналари ҳисобга олинган. Ушбу нодавлат судида кўриладиган ишларнинг аксарияти тарафларнинг ўзаро қабул қилган келишув битимини ихтиёрий равишда бажариш мажбуриятини олиши, дўстона муносабатлари, ўзаро ҳамкорлиги сақланиб қолишига эришиш билан яқунланади. Бу — халқимизга хос бағрикенглик, муро-са-ю мадорнинг юксак намунаси.

Алишер ШАКАРОВ,
Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси раиси ўринбосари



МАДАНИЙ БОЙЛИКЛАР ҲИСОБИ ҚАНДАЙ ЮРИТИЛИШИ КЕРАК?

МАДАНИЙ бойликлар ҳар бир мамлакатнинг миллий, тарихий, бадий, илмий-маърифий, маънавий-ахлоқий ва бошқа маданий аҳамиятга молик жиҳатларини ўзида акс эттирувчи кўчар ашёлар ҳисобланади.

Маданий бойликларни муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш, улардан оқилона фойдаланиш зарур. Юртимизнинг сайёҳлик салоҳиятини оширишда уларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёс, албатта. Мамлакатимизда моддий маданий мерос соҳасидаги давлат назоратини тубдан такомиллаштириш зарурлиги тугилмоқда.

Маданий бойликларнинг ҳисоби юритилиши нима учун зарур? Уларнинг хорижа олиб чиқиши ва четдан юртимизга олиб кирилиши масалаларининг ҳуқуқий асоси борми? Бу борада Ўзбекистон Республикасининг “Маданий бойликларнинг олиб чиқиши ва олиб кирилиши тўғрисида”ги Қонуни мавжуд. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 23 мартдаги қарори билан тасдиқланган Маданий бойликларнинг олиб чиқиши ва олиб кирилиши тартиби тўғрисидаги низомида ҳам маданий бойликларнинг қонуний тартибдаги муомаласи белгиланган.

Мазкур қонун ҳужжатлари таҳлил қилинганда, бу борадаги норматив-ҳуқуқий тартибга солиш ва қонуности ҳужжатларни қабул қилишда ва ҳуқуқини қўллаш амалиётида ҳал этилиши талаб этилаётгани, ўз ечимини топмаган айрим масалалар мавжудлиги кузатилади. Яъни, маданий бойликларнинг ҳисоби юритилиши, уларнинг олиб чиқиши ва олиб кирилиши, бадий экспертизадан ўтказилиши тартибга солуви қонун ҳужжатлари эскирган. Кейинги қонун ҳужжатларига мувофиқлаштирилмаган, соҳага оид барча масалалар ўз ечимини топмаган.

Хусусан, “Маданий бойликларнинг олиб чиқиши ва олиб кирилиши тўғрисида”ги Қонун (29.08.1998 й.) қабул қилинганга 22 йил, Маданий бойликларнинг олиб чиқиши ва олиб кирилиши тартиби тўғрисидаги низоми (23.03.1999 й.) қабул қилинганга 21 йил бўлди. Амалётдаги муаммоларни ҳал қилиш учун аллақачон ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштирилиши зарур эди.

Амалдаги қонунчиликка кўра, маданий бойликларни Ўзбекистон ҳудудидан олиб чиқиш (жўнатиш) ҳуқуқини берувчи сертификат қиска муддатга, яъни уч ойга берилади. Натيجала, сертификатни олган фуқаролар ёки хорижий фуқаро уч ой ичида республика ҳудудидан маданий бойликни олиб чиқиш кетмас, қўшимча вақт ва маблағ сарфлаб, қайтадан сертификат олишга тўғри келмоқда. Маданий бойликлар ўзининг хусусиятини ўзгартирмаслигини инобатга оласак, ушбу муддат жуда қиска, албатта. “Маданий бойликларнинг олиб чиқиши ва олиб кирилиши тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасига кўра, эллик йил муқаддам ва ундан ҳам олдинроқ яратилган маданий бойликлар Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиши мумкин эмас.

Маданий бойликлар тоифасига кирувчи барча ашёлар юқоридаги Низоми асосида бадий экспертизадан ўтказилади. Бадий экспертиза натижасида ашёлар эллик йил муқаддам ва ундан ҳам олдинроқ яратилган маданий бойлик деб топишган тақдирда, уларнинг республика ҳудудидан олиб чиқиши тақиқланади.

Амалдаги қонунчилигимизда республика ҳудудидан олиб чиқиши тақиқланган ашёларнинг сақланишини таъминлаш билан боғлиқ механизмлар очиклигича қолмоқда. Мазкур маданий бойликларни йўқолиб кетишидан сақлаб турган жисмоний ва юридик шахслар уларни ўз ихтиёри билан давлатга, яъни Маданият вазирлигига, музейларга, экспонатлар сақланган жойларга топширганлиги учун рағбатлантириш механизмлари ҳам мавжуд эмас.

Амалётда қўлдан-қўлга ўтаётган ёки ноқонуний олин-сотди қилинаётган маданий бойликларнинг қимматлик даражасини сақлаш, асл ҳолатини йўқотмаслик, уларнинг асраб-авайланиши билан боғлиқ масалалар ҳам қонуний тартибга солилмагани кузатишмоқда. Республика бўйича тарихий, маданий, маънавий қимматликларга эга бўлган мавжуд маданий бойликларнинг ҳисоби юритилмаслиги оқибатда уларнинг йўқолиб кетиш хавфи тобора ошиб бормоқда.

Қонунчилигимизда эллик йил муқаддам ва ундан ҳам олдинроқ яратилган маданий бойликларнинг Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиши тақиқланиши масаласи ҳам кўриб чиқишли зарур. Сабаби, амалдаги “Маданий бойликларнинг олиб чиқиши ва олиб кирилиши тўғрисида”ги Қонун 1998 йилда қабул қилинган. Бунда 1920 йилдан то Иккинчи жаҳон уруши тугагунча бўлган даврда яратилган маданий бойликларга тааллуқли ашёларни, тасвирий ва декоратив-амалий санъатнинг миллий мактаблари анъаналарида яратилган маданий кўрама асарларни сақлаб қолиш мақсад қилинган. Чунки бу даврда собиқ совет тузумининг қатъий сиёсати сабаб хунармандчилик ривожланмаган, хатто зарарли деб ҳисобланган. Яқка усталарнинг фаолияти чекланган, тасвирий санъат ривожига ҳам етарли эътибор берилмаган. Ушбу даврда яратилган санъат асарлари жуда кам сонли эканига гувоҳимиз. Улар ҳозирги кунда ноёб ва нодир маданий ашё ҳисобланади. Бирок, маданий бойликларни олиб чиқишининг 50 йиллик қонуний муддати ўша даврдан бери мунтазам ўзгариб келиниди, ҳозирги кунда эса, 1971 йилга тўғри келмоқда. Шунинг учун ҳам маданий бойликларни уларнинг яратилиши вақтига қараб республикадан олиб чиқиш имконияти учун аниқ бир чегара белгиланиши лозим.

Дейлик, 1960 йилдан кейин яратилган маданий бойликларни республикадан олиб чиқиш имконияти пайдо бўлсин. Бу билан жисмоний ва юридик шахслар учун ҳам чет эллик фуқаролар учун ҳам қулайлик яратилади.

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ҚАНДАЙ?

Маданий бойликлар ҳисобининг юритилиши, давлат ҳудудидан олиб чиқиши ва олиб кирилишида экспертизадан ўтказишнинг ривожланган давлатлар тажрибаси ҳам ўрганиб, таҳлил қилинди.

Австралияда “Кўчар маданий бойликларни муҳофаза қилиш” Акти 1986 йилда қабул қилиниб, 2016 йил 7 ноябрда Акта

ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Унга кўра, Австралиядан миллий маданий бойликлар назорати рўйхати мавжуд. Мазкур рўйхат асосида Австралиядан кўчар миллий маданий бойликларнинг экспорт қилиниши назорат қилинади. Бундан ташқари, Австралиядан кўчар маданий бойликларни муҳофаза қилиш қондалари ҳам тасдиқланган. Унда ушбу турдаги маданий бойликларни муҳофаза қилиш қондалари белгиланган.

Норвегияда ҳам “Маданий объектларни экспорт ва импорт қилиниши тартибга солиш тўғрисида”ги қондалар мавжуд. Мазкур қондаларнинг 2-моддасига мувофиқ, Норвегияда маданий объектлар рўйхати тасдиқланган. 1970 йилгача бўлган Сами материаллари, 1930 йилгача бўлган Сами тилида босилган матнлар ва хариталар, 1950 йилгача бўлган овоз, фото ва киномагнография материаллари, 1950 йилгача бўлган автотранспорт воситалари, самолётлар, уларнинг аксессуарлари ҳамда 50 йилдан ортиқ бўлган қайиқлар, 1900 йилгача бўлган этнографик материаллар, 1850 йилгача бўлган Норвегияда босилган матн ва хариталар, 1650 йилгача бўлган чет элдан босилган матн ва хариталар, 1537 йилгача бўлган Норвегия тангалари бу давлатнинг осори атиқалари ҳисобланади.

Японияда миллий бойликлар ва муҳим маданий бойликларнинг алоҳида реестри юритилади.

Хитойнинг “Маданий меросини сақлаш тўғрисида”ги Актида эса, муҳим қадимий қишлоқлар ва миллий бойликка эгаллик қилувчилар ушбу буюмларни асраб-авайлаш бўйича агентликлардан ёки тегишли профессионал муҳофаза қилиш муассасаларидан мазкур буюмларни сақлашни сўраши мумкин. Бунда ваколатли органлар бундай буюмларни сақлаш ишлари учун субсидия ажратиши мумкин.

НИМАЛАРНИ ЎЗГАРТИРИШ КЕРАК?

Миллий қонунчилик ҳамда хорижий давлатларнинг тажрибалари таҳлилдан кўришиб турганидек, маданий бойликларнинг ҳисобини юритиш, уларни бадий экспертизадан ўтказиш ҳамда олиб чиқиши ва олиб кирилишини назорат қилиш зарур. Уларни олиб чиқиш ҳуқуқини берувчи сертификатларни бериш тартибини, шунингдек, маданий бойликлар бадий экспертизадан ўтказилганлиги ва тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилганлиги учун махсус йўлнинг миқдорини ва уни тўлаш тартибини қайта кўриб чиқиш талаб этилади.

Мазкур соҳани тартибга солиш ва такомиллаштириш зарур. Ўзбекистондаги маданий бойликларнинг йўқолиб кетишини олдини олиш мақсадида уларнинг электрон базасини (реестрини) шакллантириш лозим. Уларга униквал рақам (код) бериш мумкин. Ушбу маълумотларни республиканинг барча аэропорт ва боғжона чегара постларига интеграция қилиш, маълумотларни мунтазам равишда аяниглаб бориш зарур.

Маданий бойликларни Ўзбекистон ҳудудидан олиб чиқиш (жўнатиш) ҳуқуқини берувчи 3 ой муддатга амал қилувчи сертификат муддатини узайтириш лозим. Сертификатларни махсус бланкларда беришдан воз кечиш, уларни QR-код — матрикс штрихли код орқали тасдиқлашни йўлга қўйиш керак.

Маданий бойликларни ўз ихтиёри билан давлатга топширган жисмоний ва юридик шахсларни рағбатлантириш механизмлари аниқ белгиланиши лозим.

Қонунчилигимизда шундай ўзгаришларнинг бўлиши замон талабидир. Бу эса, маданий бойликлар ҳисобининг юритилиши, уларнинг сақланишини таъминлаш, маданий бойликларни қонунга хилоф равишда олиб чиқиши ва олиб киришдан муҳофаза қилиш учун шарт-шароитлар яратиш имкониятини беради.

Сурайё ГАФФОРОВА,
Адлия вазирлиги масъул ходими

ҚАШҚАДАРЭ **Кўзгу**

КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 36-моддасида ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли эканлиги, шунингдек, 54-моддасида эса мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгаллик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши белгиланган.

ТУМАН ҲОКИМЛИГИДАН ИККИ НАФАР ФУҚАРОГА КОМПЕНСАЦИЯ ПУЛИ УНДИРИЛДИ

Шахрисабз туманидаги “Чоршанбе” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда яшовчи фуқаролар Н.Нигматов ва Т.Зайнитдиновнинг уй-жойлари бузилганлиги, аммо Шахрисабз туман ҳокимлиги томонидан компенсация пули тўлаб берилмаётганлигидан норози бўлиб қилган муурожаати Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси томонидан ўрганилди.

Аризани ўрганиш натижаси юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Шахрисабз туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

Мазкур даъво аризаси суд томонидан кўриб чиқилиб, жавобгар — Шахрисабз туман ҳокимлигидан фуқаро Н.Нигматовнинг фойдасига 80 миқдон 135 минг 598 сўм ҳамда фуқаро Т.Зайнитдинов фойдасига 90 миқдон 445 минг 707 сўм компенсация пули ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилди.

Элнур ИСМОИЛОВ,
Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддасига асосан Фаргона вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 16 ноябрдаги 318-ум-сон буйруғига асосан Фаргона шаҳридаги “Zakon I Zashita” адвокатлик фирмаси адвокати Гайназаров Акбарали Исроилевичга 2018 йил 29 декабрда берилган FE 000083-сонли (28.12.2018 йилда 83-сонли адвокатлик гувоҳнома билан берилган) адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

Хоразм вилоят адлия бошқармаси томонидан Шовот туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Худойбергенов Шерипбой Сабиурович вафот этганлиги сабабли бошқарманинг 2021 йил 16 ноябрдаги 251-ум-сон буйруғига асосан Хоразм вилоят адлия бошқармаси томонидан унга 2020 йил 27 апрель кун хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи HZ №0029-сон билан берилган лицензиянинг амал қилиши ва нотариуслик мақоми тугатилди.

Хоразм вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 13 ноябрдаги 249-ум-сонли буйруғига асосан “SOPORBOY NIHOYA” адвокатлик бюроси адвокати Сапарбаев Атабек Эриёнбаевичга 2018 йил 27 декабрда “Фуқаролик ва иқтисодий, маъмурий ва жиноий суд ишларини юритиш” ихтисослиги бўйича берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи HZ №000056 рақамли лицензиянинг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

Инсон ва ҚОНУН

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0081-рақам билан
рўйхатга олинган

Бош муҳаррир
Кўчар НОРҚОБИЛ

“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази нашри
info@adolatmarkazi.uz

ISSN 2010-7477

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқулов Акбар Журабоевич
Рабинов Шерзод Миржалилович
Тожинов Фурқат Шомуродович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустомовна

Таҳририятга келган қўлималар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариқмайди.

Навбатчи
Ёрбек Искандаров

Саҳифаловчи-дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририят компьютер базасида терлиди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табақ ҳақмида, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа иқодий уйида чоп этилди.

Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тиражи — 4000
Бюортма — V-4939

Тошшириш вақти — 19:00
Тошшириш — 20:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.
Чилнозор кўчаси-29.

Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳос қилинган нархда

1 2 3 4 5

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДА КЎП ЙИЛЛАР САМАРАЛИ ХИЗМАТ ҚИЛГАН УСТОЗ, ГЕНЕРАЛ-ЛЕЙТЕНАНТ Б. МАТЛЮБОВНИНГ "ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМОАТ ТАРТИБИ ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ТАРИХИ" ДЕБ НОМЛАНГАН ТАРИХИЙ, ФАЛСАФИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ МОНОГРАФИЯСИ ЧОП ЭТИЛДИ.

Шу сонга хабар



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТАРИХИГА ОИД МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

Китобнинг биринчи боби "Ўзбекистон давлатчилиги тарихидаги хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш" деб номланиб, унда Ўрта Осиёдаги қадимги давлатларда хавфсизлик ва ички тартиб, ўрта асрларда хавфсизлик ва ички тартибни, осойишталикни сақлаш, Амир Темури салтанатида хавфсизлик, хонлиқлар даврида жамоат тартиби ва миршаблар фаолияти, чор Россияси мустамлакачилиги даврида Туркистонда ҳарбий-полиция тартиботининг фаолияти кенг ёритилган.

Тарихий манбанинг иккинчи боби Чор Россияси полиция тизимининг синдирилиши ва Туркистонда ишчи-деҳқон милицияси ташкил қилинишининг назарий-концептуал асосларининг илмий талқини масаласига бағишланган бўлиб, унда Хоразм Республикасида ички ишлар органлари, Бухоро Республикасида ички ишлар органлари, милиция органларининг қатъий тузилмаси ва вазифаларининг оидинлаштирилиши, оптималлаштириш масалалари, Туркистонда ишчи-деҳқон милициясининг тузилишига алоҳида эътибор берилган.

Манбанинг учинчи бобида, "Ўзбекистон ССР ташкил этилиши ва ички ишлар органлари фаолияти" ёритилган бўлиб, 1925-1939 йилларда ички ишлар органлари, Ўзбекистон уруш арасида, иккинчи жаҳон уруши йилларида ички ишлар органларининг тарихий фаолияти ўз ифодасини топган.

Китобнинг кейинги боби "Урушдан кейинги йилларда ички ишлар органлари фаолияти"га бағишланиб, олтинчи йилларда ички ишлар органлари ходимларининг қаҳрамонлиги кўрсатилган.

Айниқса, мазкур монографиянинг навбатдаги боби, 1970-1988 йилларда ички ишлар органлари фаолияти ва Шўроларнинг сўнгги талвасаси фаолиятига бағишланганлиги билан аҳамиятлидир.

Тарихий манбанинг еттинчи боби "Мустақиллик арафасида Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий, криммоген вазият ва ички ишлар органлари фаолияти ҳамда Қатағон оқибатида қамалган ИИО раҳбар ва ходимлар"нинг ҳаёти ва тарихий жараёнига бағишланганлиги билан муҳимдир.

Саққизинчи бобда эса Мустақил Ўзбекистоннинг ички ишлар органлари фаолияти, 1999 йил 16 февраль воқеалари ҳамда "Аъло хизматлари учун" кўкрак нишони, I, II, III даражали "Ички ишлар органларида бевуқсон хизматлари учун" кўкрак нишони таъсис этилганлиги ва унинг аҳамияти моҳиятан очиб берилган.

Кейинги боб "Ҳаракатлар Стратегияси: ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш йўлида" деб номланади. Кадрлар тайёрлаш ва бу борадаги муаммо ва ечимларга алоҳида эътибор қаратилган боб эса Тошкент олий милиция мактаби — олий малакали кадрлар тайёрлаш маскани, Москва олий мактабининг Тошкентдаги сиртки таълим факультети мустақил олий ўқув юрти — Тошкент олий милиция мактабига айлантирилиш тарихига бағишланган.


"Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Академияси фаолияти" деб номланган боб ИИБ Академияси тарихи музейи фаолияти, Академияда ташкил этилган Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўлпон музейи, хизмат бурчини ўтаётганда ҳалок бўлган собиқ битирувчилар хотирасига бағишланган.

Шунингдек, китобда "Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси ҳарбий-техник институти" ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ёнгин хавфсизлиги институти"нинг фаолияти ўз ифодасини топган.

Мазкур китоб "Давлат ва ҳуқуқ тарихи", "Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар", "Ички ишлар органлари тарихи", "Тарбия" ва шу каби бошқа ҳуқуқий фанларни кенгрок ўрганишга ёрдам беради ва ёшлар учун муҳим қўлланма ҳисобланади.

Жуманазар ХОЛМУМИНОВ,

Термиз давлат университети юридик факультети декани, юридик фанлари доктори, профессор



Эрнест ХЕМИНГУЭЙ

ЭЪЛОН

Синиқ деразанинг сиртига ёзилганди:
"Янги оила қурганлар".

ЁТОҚХОНА

Ётоқхонамиздан икки кишининг овози эшитиларди. Мен эшикни тақиллатдим...

ҚАСД ВА ХАЛОС

Жонимга қасд қилиш учун ўзимни пастга ташладим. Кейин фикримдан қайтдим.

ҲАЙРАТ

У хотинининг қотилига сунт ичирарди.

Рон Баст

ОЛИЙ МАЪЛУМОТ

— УНИВЕРСИТЕТДА биз фақат лайлак овлаб юрганмиз, — дейди Женнингс қўлларини юваркан. — Доимий қисқартиришлардан кўп нарса ўргана олмасдик. Ўқитувчилар ҳўжақўрсинга баҳо қўйиб беришарди.

— Сиз қандай ўқирдингиз?

— Умуман ўқимасдик. Энди кўринг, қандай ишлаяпман?!

Ҳамшира эшикни очди.

— Доктор Женнингс, сизни операция хонасига чақиряппти.

Фланнери О' Коннор

ОҚИБАТ

ОТАМ ўқитувчи эди. Эсимни танишга улгурмасимдан бурун улғайганимда мен ҳам унга ўхшаб муаллим бўлишимни ва болаларга сабоқ беришимни билардим. Бировнинг боласига ҳарф танитасан, у ўқиш-ёзишни ўрганади. Бировнинг боласи сен орқали дунёни танийди ва шу тарихга ўз боланга айланади. Бироқ, ўйлаб кўрсам, мен ўқувчимга дунёни танитибман-у, ўзимни танитибман. Ўзимни таниганида, балки бугун ўн олти ёшли ўқувчим дарсда бемаврид уйқусини бузганим учун мени судга бериб ўтирмаган бўлармиди? Қизиқ, ўзимни оқлаш учун судда ўз боламга нима дейман?..

Гунай Арда

ГУНОҲҚОР

У ҳақиқий гуноҳқор эди. Чунки бир юз йигирма тўрт минг сувориддан ёлғиз угина урушдан Ватанига соғ-омон қайтди.



О' Генри

ЭНГ ҚИСКА ҲИКОЯ

ҲАЙДОВЧИ тамаки тутатди ва қанча ёқилғи қолганини билиш учун бензин бакига эгилди... Марҳум атиги 23 ёшда эди.

Кристи Тилманн

МЎЪЖИЗАНИНГ БАҲОСИ

ОЛТИ ёшли қизалоқ Тессининг укаси оғир касал бўлиб қолди. Тесси отасининг ойисига умидсизлик билан "Уни фақат мўъжиза қутқара олади", деганини эшитди-ю, дорихона томонга қараб югурди. Пештахта ёнига яқинлашди ва аранг нафасини ростлаб:

— Мен... мўъжиза сотиб олмоқчиман, — деди у дорихоначига.

— Кечирасиз, тушунмадим? — сўради дорихоначи.

— Укам оғир касал. Уни фақат мўъжиза қутқариши мумкин экан.

Бир бурчакда турган одам қизалоққа яқинлашди.

— Сизга қанақа мўъжиза керак, бўталоғим, — деб сўради у.

— Мен...бил..майман, — ҳиқиллади қизча.

— У ҳолда, сизга қандай мўъжиза кераклигини билиш учун укангизни кўришим керак, — деди башанг кийинган нотаниш одам.

Остонада машҳур жарроҳни кўрган ота-она қувончдан йиғлаб юборди. Онасининг "Қизиқ, бу мўъжизанинг баҳоси қанча тураркан?" деганини эшитган Тесси жилмайди. Ахир, у бу мўъжизанинг қанча туришини аниқ биларди-да. Бор-йўғи бир ярим доллару эллик цент ва жажжи қизалоқнинг самимий ишончи!